9.2. Жамият, агар бундай камайтириш натижасида Устав фондининг микдори амалдаги конунчиликка мувофик холда белгиланган масъулияти чекланган жамиятлар учун белгиланган Устав фонди микдоридан камайиб кетса Устав фондини камайтиришга хакли эмас.

9.3. Жамият барча Иштирокчилари улушларининг номинал кийматини камайтириш йули билан Жамият Устав фондини камайтириш Жамият барча Иштирокчилари улушларининг микдорлари саклаб колинган холда амалга оширилмоги лозим.

9.4. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида унинг Устав фонди тўлик тўланмаган такдирда, Жамият ўзининг Устав фондини амалда тўланган микдоргача камайтиришини эълон килиши ва унинг камайтирилганлигини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши ёки Жамиятни тугатиш тўғрисида карор кабул килиши лозим.

9.5. Агар иккинчи ва хар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин Жамият соф активларининг киймати унинг Устав фондидан кам булиб колса, Жамият ўзининг Устав фондини ўзининг соф активлари кийматидан ошмайдиган микдоргача камайтирилишини эълон килиши ва бундай камайтиришни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши шарт.

9.6. Жамият соф активларининг киймати амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда аникланади.

9.7. Жамият ўз Устав фондини камайтириш тўғрисида карор кабул килинган санадан

эътиборан ўттиз кун ичида Жамиятнинг Устав фонди камайтирилгани ва унинг янги микдори хакида Жамиятнинг ўзига маълум бўлган барча кредиторларини ёзма равишда хабардор килиши, шунингдек кабул килинган карор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон килиши шарт.

Бунда Жамият кредиторлари ўзларига хабарнома йўлланган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ёки кабул килинган карор тўғрисида хабар эълон килинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Жамият тегишли мажбуриятларини муддатидан илгари тугатишини ёки ижро этишини хамда ўзлари курган зарарнинг урнини коплашини ёзма равишда талаб килишга хаклидирлар.

## 10 МОДДА
## ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ

10.1 Жамият ўзининг мустакил балансида хисобга олинадиган алохида мол-мулкка эга булади. Эгалик хукукида Жамиятга унинг иштирокчилари томонидан хисса сифатида берилган мулк, шунингдек бошка асослар бўйича сотиб олинган мулк тегишли булади.

10.2. Жамият мулкдор хукукларини амалга оширган холда ўз карамоғидаги мулкига нисбатан амалдаги конунчиликка зид бўлмаган хар кандай харакатларни ўз ихтиери билан амалга оширишга хакли, шу жумладан:

- мулкини ўз карамоғидан бошка шахслар мулкчилигига чикаришга;
- мулкдор сифатида колган холда мулкка эгалик килиш, ишлатиш ва тасарруф этиш хукукларини беришга;
- мулкини гаровга бериш ва уни бошка йўллар билан ишлатишга;
- уни билан бошка йўллар билан тасарруф этишга хакли.

10.3. Жамият мол-мулки Устав ва Захира фондлари, асосий воситалар, номоддий активлар, шунингдек конунда белгиланган тартибда ва ишбилармонлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган Жамият сотиб оладиган мол-мулк, банк хсобларидаги маблаглардан иборат.

## 11. МОДДА
## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИНИНГ (УЛУШИ БИР ҚИСМИНИНГ) ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИГА ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ

11.1. Жамият Иштирокчиси Жамиятнинг Устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир кисмини Жамиятнинг бир ёки бир неча Иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга хаклидир. Бундай битимни тузиш учун Жамиятнинг ёки Жамият бошка иштирокчиларининг розилиги талаб килинмайди.

11.2. Жамият Иштирокчиси ўз улушини учинчи шахсларга сотиши ёки бошкача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.

11.3. Жамият Иштирокчисининг улуши тўлик тўлангунга кадар бўлган даврда у факат тўланган кисми бўйича бошка шахсга ўтказилиши мумкин.

11.4. Жамият иштирокчилари Жамият иштирокчисининг улушини (улушининг бир кисмини) учинчи шахсга таклиф килинадиган бахо бўйича ўз улушлари микдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли хукукдан фойдаланадилар.

Агар Жамиятнинг бошка Иштирокчилари улушни (улушнинг бир кисмини) сотиб олишда ўзларининг имтиёзли хукукларидан фойдаланмаган булсалар, Жамият ўзининг Иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир кисмини) сотиб олишда имтиёзли хукукка эга булади.

11.5. Ўз улушини (улушининг бир кисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган Жамият иштирокчиси улуши сотиладиган бахони ва бошка шартларни кўрсатган холда бу хакда Жамиятнинг колган Иштирокчиларини ва Жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор килиши шарт.

11.6. Жамият иштирокчилари ва (ёки) Жамият сотиш учун таклиф килинаётган бутун улушни (улушнинг бутун кисмини) сотиб олишда имтиёзли хукукдан, шундай хабар берилган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаган такдирда улуш (улушнинг бир кисми) Жамиятга ва унинг иштирокчиларига хабар килинган бахоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

11.7. Иштирокчилар ва (ёки) Жамиятга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ўттиз кун

мобайнида Жамиятнинг барча Иштирокчилари ва (ёки) Жамиятнинг ёзма розилиги кабул килинган ёки Жамиятнинг барча Иштирокчилари ва (ёки) Жамиятнинг ёзма норозилиги кабул килинмаган булса розилик кабул килинган хисобланади.

11.8. Улуш (улушнинг бир кисми) сотиб олишнинг имтиёзли хукуки бўзилган холда сотилган такдирда, Жамиятнинг исталган иштирокчиси ва (ёки) Жамият бундай бўзилишни билган ёхуд уни билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг хукуклари ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб килишга хаклидирлар. Мазкур имтиёзли хукукдан бошканинг фойдасига воз кечишга йул куйилмайди.

11.9. Жамият Иштирокчисининг улушини (улушининг бир кисмини) сотишдан бошкача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиш учун Жамиятнинг ёки Жамият колган иштирокчиларининг розилиги талаб килинмайди.

11.10. Жамият Устав фондидаги улушдан (улушнинг бир кисмидан) бошка шахснинг фойдасига воз кечиш оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак.

11.11. Жамият Устав фондидаги улушдан (улушнинг бир кисмидан) бошка шахснинг фойдасига воз кечилгани хакида бундай воз кечишнинг далилларини такдим этган холда ёзма равишда Жамият хабардор килиниши лозим. Жамиятнинг Устав фондидаги улушни (улушнинг бир кисмини) олувчи мазкур воз кечиш тўғрисида Жамият хабардор килинган пайтдан эътиборан Жамият иштирокчисининг хукукларига эга булади ва мажбуриятларини амалга оширади.

11.12. Жамиятнинг Устав фондидаги улушни (улушнинг бир кисмини) олувчига Жамият Иштирокчисининг мазкур улушдан (улушнинг бир кисмидан) воз кечишига кадар юзага келган барча хукуклари ва мажбуриятлари утади.

11.13. Жамиятнинг Устав фондидаги улушлар жисмоний шахсларнинг меросхурларига ва Жамиятнинг Иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг хукукий ворисларига утади.

11.14. Жамиятнинг иштирокчиси бўлган юридик шахс тугатилган такдирда, унинг кредиторлари билан хисоб-китоб тугалланганидан сўнг колган унга карашли улуш, агар конун хужжатлари ёки таъсис хужжатларида бошкаси назарда тутилган бўлмаса, тугатилаётган юридик шахснинг иштирокчилари уртасида таксимланади.

11.15. Жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг меросхўри томонидан мерос кабул килингунга кадар Жамиятнинг вафот этган иштирокчиси хукуклари васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай шахс бўлмаган такдирда эса нотариус тайинлаган бошкарувчи томонидан амалга оширилади.

11.16. Амалдаги конунчиликда назарда тутилган холларда, Жамиятнинг Устав фондидаги улуш (улушнинг бир кисми) очик ким ошди савдоси оркали сотилганда, мазкур улушнинг (улуш бир кисмининг) олувчиси Жамиятнинг ёки унинг Иштирокчиларининг розилигидан катъи назар Жамиятнинг иштирокчисига айланади.

## 12 МОДДА
## ИШТИРОКЧИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРКИБИДАН ЧИҚИШИ
## ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШНИ (УЛУШНИНГ БИР ҚИСМИНИ) ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ОЛИНИШИ

12.1. Жамият Иштирокчиси Жамият иштирокчилари таркибидан бошка Иштирокчилар ёки Жамиятнинг розилигидан катьий назар исталган вактда чикиб кетишга хаклидир.

12.2. Жамият Иштирокчисини Жамият таркибидан чикишида унинг улуши, у ариза топширган пайтдан бошлаб Жамият тасарруфига утади. Бунда Жамият Иштирокчига бу улушнинг (улуш кисмининг) хакикий кийматини тўлаши ёки чикканнинг розилиги билан улушини худди шундай кийматдаги натура холида берилиши лозим.

Улушни хакикий киймати чикиш ёки чикарилиш муддатидан олдинги хисобот давр мобайнидаги хисобот даври учун Жамиятнинг бухгалтерия хисоботлари маълумотлари асосида аникланади.

12.3. Жамият таъсис этилишида ўз хиссасини муддатида тўлик киритмаган Иштирокчининг, шунингдек ушбу Уставнинг 7.6. бандига мувофик муддатда пуллик ёки бошка товонни такдим этмаган Иштирокчининг улуши Жамиятга ўтказилади.

Бунда Жамият Иштирокчига унинг хиссасига муносиб (Жамият тасарруфида бўлган вакт мобайнидаги муддатга) хакикий кийматини тўлаши, ёки унинг розилиги билан унга худди

шундай кийматдаги натура холида бериши шарт.

Улуш бир кисмининг хакикий киймати хиссани кўшиш ёки товонни такдим этишнинг муддати ўтадиган кундан олдинги охирги хисобот даври учун Жамиятнинг бухгалтерия хисоботлари маълумотлари асосида аникланади.

12.4. Жамият унинг таркибидан чикиш тўғрисидаги ариза берган Иштирокчига унинг улушини (улушини кисмини) хакикий кийматини ёки худди шундай кийматдаги натура холида Жамиятга унинг улушини ўтказилганидан 6 ойдан сўнг тўлаши лозим

12.5. Жамият томонидан Жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир кисмининг) хакикий киймати унинг кредиторлари талабига биноан тўланган такдирда, улуш хакикий кийматининг Жамият бошка иштирокчилари томонидан тўланмаган кисми Жамиятга ўтади, улушнинг колган кисми Жамиятнинг иштирокчилари ўртасида улар кўшган тўловга мутаносиб равишда таксимланади.

12.6. Улуш (улушнинг бир кисми) Жамиятнинг иштирокчиси у Жамият томонидан олиниши тўғрисида талабнома такдим этган ёки хиссани кўшиш муддати ўтган ёхуд товон берилган ёки иштирокчини Жамиятдан чикариш тўғрисидаги суд карори конуний кучга кирган ёки Жамият Иштирокчиси улушининг (улуши бир кисмининг) хакикий киймати унинг кредиторлари талабига биноан Жамият томонидан тўланган пайтдан эътиборан Жамиятга ўтади.

12.7. Жамият Иштирокчиси улушнинг (улуш кисмининг) хакикий киймати Жамият соф активларининг киймати билан унинг Устав фонди микдори ўртасидаги фарк хисобидан тўланади. Агар бундай фарк етарли бўлмаса, Жамият ўзининг Устав фондини етишмаётган суммага камайтириши шарт.

12.8. Жамиятга карашли улушлар Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида овоз бериш натижаларини аниклаш, шунингдек Жамият тугатилган такдирда унинг фойдаси ва мол-мулки таксимланаётганда хисобга олинмайди.

12.9. Жамиятга карашли улуш у Жамиятга ўтган кундан эътиборан бир йил ичида Жамият иштирокчилари умумий Йиғилишининг карорига биноан Жамиятнинг барча иштирокчилари ўртасида уларнинг Жамият Устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда таксимланиши ёхуд Жамиятнинг барча ёки айрим иштирокчиларига ва (ёки), учинчи шахсларга сотилиши хамда тўлик тўланиши керак. Улушнинг таксимланмаган ёки сотилмаган кисмининг хаки Жамиятнинг Устав фондини тегишлича камайтирган холда тўланиши керак.

Улушни Жамият Иштирокчиларининг улушлари микдорлари ўзгарадиган тарзда Жамият иштирокчиларига сотиш, улушни учинчи шахсларга сотиш, шунингдек улушни сотиш билан боғлик ўзгартишларни Жамиятнинг таъсис хужжатларига киритиш Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг Жамиятнинг барча Иштирокчилари томонидан бир овоздан кабул килинган карори асосида амалга оширилади.

## 13 МОДДА.
## БОШҚАРУВ

13.1. Куйидагилар:

Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши;

- Бош Директор

Жамиятнинг бошкарув органлари хисобланади.

13.2. Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши Жамиятнинг Олий органи хисобланади.

13.3. Жамиятнинг кундалик фаолияти юзасидан рахбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Бош Директор томонидан амалга оширилади. Бош Директор Умумий йиғилиш олдида хисобдордир.

## 14 МОДДА.
## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

14.1. Умумий йиғилишнинг мутлак ваколатига куйидаги масалаларни хал килиш киради:

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошка бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида карор кабул килиш;
- Жамият Устав фоидининг микдорини ўзгартириш;
- Жамият Устав фонди микдорини Иштирокчи (иштирокчилар) ва (ёки) учинчи

шахсларнинг кўшган хиссалари хисобига кўпайтириш;
- таъсис хужжатларига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш;
- Жамиятнинг ижро этувчи органларини тўзиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Тафтиш хаъати (Тафтишчи)ни тайинлаш ва унинг ваколатларини муддатдан илгари тухтатиш;
- йил хисоботлари ва йилллик бухгалтерия балансларини тасдиклаш;
- Жамият Иштирокчилари уртасида фойдани таксимлаш кароирини кабул килиш;
- Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи хужжатларни тасдиклаш (кабул килиш);
- Жамият томонидан облигацияларни жойлаштириш тўғрисида карор кабул килиш;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида карор кабул килиш, аудиторлик ташкилотлари хамда уларнинг хизматларига тўланадиган хакнинг энг кўп микдорини аниклаш;
- бошка юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тўзиш тўғрисида карор кабул килиш;
- Жамиятни кайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида карор кабул килиш;
- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиклаш;
- конунчиликда назарда тутилган холларда Жамият томонидан мол-мулк сотиб олиш ва уни ўз тасаруфидан чикариш билан боғлик йирик битимлар тўзиш;
- Жамият Устав фондига пулсиз шаклда киритиладиган хиссаларни пуллик бахосини белгилаш;
- Жамият Иштирокчилари максимал улушини чегаралаш, шунингдек Жамият Иштирокчилари улушлари таксимотини ўзгартириш имконияти тўғрисидаги карор кабул килиш;
- Иштирокчиларнинг Устав фондида бошка Жамият Иштирокчи ёки учинчи шахсига улуш (улуш кисми) гаровини кабул килиш;
- ушбу Устав ва «конун»да назарда тутилган бошка масалаларни хал килиш.

14.2. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлак ваколатлари жумласига киритилган масалалар Жамиятнинг ижро этувчи органи хал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

## 15 МОДДА.
## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

15.1. Жамият Иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши Жамиятнинг йилига бир марта молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида ўтказилади.

15.2. Жамият Иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан чакирилади.

15.3. Жамият Иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилишида мажбурий равишда Жамият фаолиятининг йиллик натижалари ва конунчиликда назарда тутилган бошка масалалар тасдикланади.

## 16 МОДДА.
## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

16.1. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилиши, бундай умумий йиғилишни ўтказишни Жамиятнинг ва унинг Иштирокчиларининг манфаатлари такозо этса, ўтказилади.

16.2. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилиши Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан:

- Жамият Иштирокчилари умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бирига эга бўлган Жамият иштирокчиларининг талабига биноан чакирилади.

16.3. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилиши зарур холларда Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан унинг ташаббусига биноан чакирилиши мумкин.

16.4. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган санадан эътиборан уч кун ичида

мазкур талабни кўриб чикиши ва Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилишини ўтказиш хакида ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида карор кабул килиши шарт.

16.5. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги карор Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан факат куйидаги холларда кабул килиниши мумкин:

- агар Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабни такдим этишнинг «конун»да белгиланган тартибига риоя этилган бўлмаса;
- агар Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф килинган масалалардан бирортаси хам унинг ваколатлари жумласига кирмаса.

16.6. Жамиятнинг Ижро этувчи органи Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар таърифига ўзгартишлар киритишга, шунингдек Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилишини ўтказишнинг таклиф килинган шаклини ўзгартиришга хакли эмас.

16.7. Жамият Иштирокчилари навбатдан ташкари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф килинган масалалар билан бир каторда, Жамиятнинг ижро этувчи органи ўз ташаббуси билан унга, кун тартиби расмий равишда ўкиб эшиттириладиган кундан кечиктирмай, кўшимча масалалар киритишга хаклидир.

16.8. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида карор кабул килинган такдирда, бундай умумий йиғилиш уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан кирк беш кундан кечиктирмай ўтказилиши шарт.

16.9. Агар 16.8. бандда белгиланган муддат ичида Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида карор кабул килинмаган ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида карор кабул килинган бўлса, Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йиғилиши уни ўтказишни талаб килаётган органлар ёки шахслар томонидан чакирилиши мумкин. Бундай холда Жамиятнинг ижро этувчи органи мазкур органлар ёки шахсларга Жамият Иштирокчиларининг манзиллари кўрсатилган рўйхатни такдим этиши шарт.

Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш, уни чакириш ва ўтказиш харажатлари Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг карорига биноан Жамиятнинг маблаглари хисобидан копланиши мумкин.

## 17. МОДДА.
## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЧАҚИРИШ ТАРТИБИ

17.1. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини чакирувчи орган ёки шахслар уни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин, бу хакда Жамиятнинг хар бир Иштирокчисини Жамият Иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан хабардор килиши шарт.

Хабарномада Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вакт ва жой, шунингдек таклиф килинаётган кун тартиби кўрсатилиши керак.

17.2. Жамиятнинг исталган Иштирокчиси Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига кўшимча масалаларни киритиш тўғрисида уни ўтказишдан камида ўн беш кун олдин таклифлар киритишга хаклидир. Кўшимча масалалар, Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига кирмайдиган масалаларни истисно этганда, Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига киритилади.

17.3. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини чакирувчи орган ёки шахслар Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф килинган кўшимча масалалар таърифига ўзгартишлар киритишга хакли эмаслар.

17.4. Агар Жамият Иштирокчиларининг таклифига биноан Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг дастлабки кун тартибига ўзгартишлар киритиладиган бўлса, Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини чакирувчи орган ёки шахслар умумий йиғилиш ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин ушбу Уставнинг 17.1. бандида

кўрсатилган усулда кун тартибига киритилган ўзгартишлар хакида Жамиятнинг барча Иштирокчиларини хабардор килишлари шарт.

17.5. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш чоғида Жамият Иштирокчиларига такдим этилиши лозим бўлган ахборот ва материаллар жумласига куйидагилар киради:

- Жамиятнинг йиллик хисоботи;
- молиявий хисоботларнинг тўғрилиги ва бухгалтерия хисобини юритиш тартиби белгиланган талабларга мувофиклиги тўғрисидаги аудиторлик хулосаси;
- Жамиятнинг ижро этувчи органларига номзод (номзодлар) тўғрисидаги маълумотлар;
- Жамиятнинг Уставида назарда тутилган бошка ахборот (материаллар).

17.6. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини чакирувчи орган ёки шахслар уларга ахборот ва материалларни Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юбориши шарт, кун тартиби ўзгартирилган такдирда, тегишли ахборот ва материаллар ана шундай ўзгартириш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юборилади. Кўрсатилган ахборот ва материаллар Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин ўттиз кун мобайнида Жамият ижро этувчи органининг биносида танишиш учун Жамиятнинг барча Иштирокчиларига такдим этилиши керак.

17.7. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини чакиришнинг тартиби бўзилган такдирда, агар бундай Умумий йиғилишда Жамиятнинг барча Иштирокчилари иштирок этаётган бўлса, у ваколатли деб эътироф этилади.

## 18 МОДДА.
## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

18.1. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши «конун»да, Жамиятнинг Уставида ва унинг ички хужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби «конун», Жамиятнинг Устави ва ички хужжатлари билан тартибга солинмаган кисмида ўтказиш тартиби Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг карори билан белгиланади.

18.2. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари оркали иштирок этишга хаклидирлар. Жамият Иштирокчиларининг вакиллари ўз ваколатларини тасдикловчи хужжатни (ишончномани) кўрсатишлари лозим. Жамият Иштирокчисининг вакилига берилган ишончнома конун талабларига мувофик расмийлаштирилган бўлиши керак.

18.3. Жамиятнинг Иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари кун тартибидаги масалаларни мухокама килишда иштирок этиш ва карорларни кабул килишда овоз бериш хукукига эгадирлар. Жамиятнинг Жамият Иштирокчиларининг кўрсатиб ўтилган хукукларини чекловчи таъсис хужжатларининг коидалари ёки Жамият органларининг карорлари хакикий эмас.

18.4. Жамиятнинг хар бир Иштирокчиси Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишида Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади, «конун»да назарда тутилган холлар бундан мустасно.

18.5. Жамиятнинг рўйхатдан ўтмаган иштирокчиси (Жамият иштирокчисининг вакили) овоз беришда иштирок этишга хакли эмас.

18.6. Жамият иштирокчиларининг Умумий йиғилиши Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган вактда ёки, агар Жамиятнинг барча иштирокчилари рўйхатдан ўтиб бўлган бўлса, олдинрок очилади.

18.7. Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши Жамият Иштирокчиларига хабар килинган кун тартибидаги масалалар бўйичагина карорлар кабул килишга хакли, мазкур умумий йиғилишда Жамиятнинг барча Иштирокчилари катнашаётган холлар бундан мустасно.

18.8. Умумий йиғилиш ваколатига тегишли барча масалалар бўйича карорлар Жамият катнашчилар томонидан бир овоз билан кабул килинади.

18.9. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг карорлари очик овоз бериш йўли

билан кабул килинади.
18.10. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси юритилишини ташкил этади.
18.11. Иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида куйидагилар кўрсатилади:
– Иштирокчилар умумий йиглиши ўтказиладиган вакт ва жой;
– йиглишда катнашаётган иштирок этувчилар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
– йиглишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби.
18.12. Иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида маърўзаларнинг асосий коидалари, овозга кўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш якунлари, йиғилишда кабул килинган карорлар акс эттирилган бўлиши шарт.
18.13. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирилмай умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

**19 МОДДА.**
**ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ СИРТДАН ОВОЗ БЕРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ҚАРОРИ**

19.1. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг карори йиғилишни утказмай сиртдан овоз бериш йули билан кабул килиниши мумкин. Бундай овоз бериш почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алока ёки ўзатиб бериладиган ва кабул килинадиган хабарларни тугри бўлишини ва уларнинг хужжатлар билан тасдикланишини таъминловчи бошка алока воситасида хужжатларни айирбошлаш йули билан ўтказилиши мумкин.
19.2. Сиртдан овоз бериш тартиби таклиф килинаётган кун тартибини Жамиятнинг барча иштирокчиларига хабар килишнинг мажбурийлигини, Жамиятнинг барча Иштирокчилари овоз бериш бошлангунга кадар барча зарур ахборот ва материаллар билан танишиб чикиши имкониятини, кун тартибига кўшимча масалаларни киритиш тўғрисида таклифлар киритиш имкониятини, овоз бериш бошлангунга кадар Жамиятнинг барча Иштирокчиларига ўзгартирилган кун тартибини, шунингдек овоз бериш таомилининг тугаш муддатини хабар килишнинг мажбурийлигини назарда тутган бўлиши керак.

**20 МОДДА.**
**ЖАМИЯТНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ**

20.1. Бош Директор Жамиятнинг ижроия органи хисобланади, Иштирокчиларнинг умумий йиглиши томонидан 3 йил муддатга сайланади.
20.2. Бош Директор Жамиятнинг кундалик фаолиятига рахбарликни амалга оширади ва Умумий йиғилиш олдида унинг карорлари бажарилиши учун шахсан жавобгарлик олиб боради.
20.3. Жамият ва унинг яккабошчилик асосидаги Бош Директор вазифасини бажарадиган шахс ўртасидаги шартнома Жамият номидан Жамиятнинг Бош Директор вазифасини амалга оширувчи шахс сайланган умумий йиғилишдаги раислик килувчи шахс томонидан ёки Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг карори билан ваколат берилган Жамият Иштирокчиси томонидан имзоланади.
20.4. Жамиятнинг Бош Директори:

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тўзади;
- банкларда хисоб ва бошка ракамларини очади, Жамиятнинг мол-мулки ва молиявий маблагларини ўз ваколати доирасида бошкаради;
- Жамият номидан вакиллик килиш хукуки учун ишончномалар беради;
- Жамият ходимлари билан мехнат шартномалари тўзади ва уларни бекор килади, ходимларни рагбатлантиради ва интизомий чораларни кўллайди;
- ушбу Устав билан Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатлари жумласига киритилмаган бошка ваколатларни амалга оширади.

20.5. Жамият Бош Директорининг фаолияти ва унинг томонидан карорлар кабул килиш тартиби Жамиятнинг хужжатлари билан, шунингдек Жамият ва Бош Директор ўртасида тўзилган шартнома билан белгиланади.

**21 МОДДА.**

## ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ, ЖАМИЯТНИНГ ХИСОБИ ВА ХИСОБОТИ

21.1. Молиявий йил 1 январдан бошланади ва календарь йилининг 31 декабрида тугайди. Йил тугаганда Жамиятнинг баланси, фойдалар ва зиёнлар хисоби тўзилади. Бош Директор молиявий йил тугагандан сўнг 3 ойдан кечиктирмай Жамият фаолияти тўғрисидаги хисоботни Иштирокчилар Умумий йиғилишига такдим этади.

Молиявий йил календарь йили билан устма-уст тушади.

21.2. Жамият ўз фаолияти натижаларини хисобга олишни бажаради, бухгалтерлик, статистик хисоботни олиб боради ва уни белгиланган тартибда солик инспекцияси ва Ўзбекистон Республикасининг бошка давлат хокимлик органларига юборади.

21.3. Бухгалтерлик хисоботи, Жамиятнинг йиллик хисоботларини тўзиш ва текшириш Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги конунчилигига мувофик олиб борилади.

## 22 МОДДА.
## ЖАМИЯТ ХУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

22.1. Жамият, куйидаги хужжатларни Жамият фаолиятининг жами муддати мобайнида саклаши шарт:

- Жамиятнинг таъсис хужжатлари, шунингдек Жамиятнинг таъсис хужжатларига киритилган хамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва кўшимчалар;
- Жамият таъсисчилари йиғилишининг Жамиятни ташкил этиш ва Жамиятнинг Устав фондига кўшиладиган пулсиз хиссаларнинг пул бахосини тасдиклаш тўгисидаги карорни, шунингдек Жамиятни ташкил этиш билан боғлик бошка карорларни ўз ичига олган баённомаси;
- Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдикловчи хужжат;
- Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган хукукини тасдикловчи хужжатлар;
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги Уставлар;
- Жамиятнинг облигацияларини чикариш билан боғлик хужжатлар;
- Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишларининг баённомалари;
- аудиторлик ташкилотининг хулосалари:
- конун хужжатларида назарда тутилган бошка хужжатлар.

22.2. Жамият ушбу Уставнинг 22.1. бандида назарда тутилган хужжатларни унинг ижроия органининг жойлашган манзили бўйича саклайди.

## 23. МОДДА.
## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА БОШҚА ШАХСЛАРГА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

23.1. Жамият Иштирокчиси, аудиторини талаби билан, улар кўрсатган идрокли муддатга Жамият унинг таъсис ва бошка хужжатлари, шунингдек Жамият фаолияти билан боғлик бошка ахборот билан танишиш имкониятини бериши шарт.

## 24. МОДДА
## ЖАМИЯТНИНГ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

24.1. Жамиятнинг кайта ташкил этилиши (бирлашиши, кўшилиши, ажралиб чикиши, бўлиниши, кайта тўзилиши) ва тугатилиши Таъсисчиларнинг Умумий йиғилишининг карорига биноан, хамда Ўзбекистон Рсепубликаси қонунчилигида белгиланган холатларда амалга оширилади.

24.2. Жамиятнинг қайта ташкил этилиши (кўшиш, бирлашиш, ажралиш, чиқиб кетиш ва кайтадан тўзиш) ва тугатилиши билан Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик амалга оширилади.

24.3. Жамият корхоналар ягона давлат реестрига тегишли езувлар киритилган вактдан бошлаб Жамиятнинг тугатилиши якунланган, Жамият эса ўз фаолиятини тамомланган деб хисобланади.

## 25. МОДДА
## БОШҚА ШАРТЛАР

25.1 Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва кўшимчалар Жамият Иштирокчилари томонидан ушбу Устав ва конун хужжатларида назарда тутилган

коидалар бўйича тасдикланиши, сўнгра давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва кўшимчалар конун хужжатларида назарда тутилга тартибда кучга киради.

25.2. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг конунчилигига мувофик рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

25.3. Ушбу Устав Жамиятнниг барча органлари, Иштирокчилари, Жамият персоналига таалукли шахслар, ва бошка учинчи шахсларга нисбатан мажбурий кучга эга.

25.4. Агар ушбу Уставнинг бирор бир коидаси ўз кучини йукотса, колган коидалар ўз кучини саклаб колади.

25.5. Агар Ушбу Устав коидалар Таъсис шартномаси коидаларига зид булса, бундай холда Жамият Иштирокчилари ва учинчи шахслар учун устун кучга эга бўлган ушбу Устав коидалари амал килинади.

25.6. Ушбу Уставда хал этилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва таъсис шартномасига мувофик хал этилади.

**УШБУ УСТАВНИ ИМЗОЛАДИЛАР:**

**1 - ШАКЛ**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДАУМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи **МЧЖ «EDUARD RAKHIMOV GROUP»,** Танлов иштирокчиси раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми, Рахимов Салим Рахимович, Манзили ва телефон (факс) рақами, Ташкент шахар Мирзо – Улугбек тумани Шуртепа кучаси, 188а уй, телефон: (97) 146 – 81 – 51.

Юридик мақоми «Маъсулияти Чекланган Жамият», Банк реквизитлари: «InFnBank» АТБ Тошкент вилояти филиали, р/с 2020 8000 4053 7523 4001, МФО: 01056, ИНН: 308 377 846.

Гувохнома, тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) 08.04.2021 йил, Тошкент шахар Мирзо Улугбек тумани Давлат хизмати маркази томонидан берилган, 08.04.2021 йилдаги № 97 54 92 сонли руйхат раками.

Кушилган Киймат Солиги (ККС) солик туловчиси сифатида руйхатдан утганлиги тугрисида ГУВОХНОМА № 303010195473, 09.08.2022 йилда ДСКдан руйхатдан утган.

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) ОКОНХ 46 900, курилиш, монтаж, таъмирлаш – курилиш, тузатиб ишга тушириш ишларини ташкил этиш ва бошка турдаги ишларни бажариш фаолияти.

Корхона тасисчисининг фамилияси, исми ва отасининг исми, Рахимов Эдуард Салимович, Манзили ва телефон (факс) рақами, Ташкент шахар Мирзо – Улугбек тумани Шуртепа кучаси, 188а уй, телефон: (99) 787 – 38 - 01, ИНН 491 770 900.

**Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:**

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берил. сана) | Қурилишдаги иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | Рахимов Салим Рахимович | Олий ва олий харбий | 10 йил | Директор | 8 л |
| 2 | | Урта махсус | | Зам директор | |

**Асосий ходимлар** (участка, бўлим бошлиқлари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими муҳандислари ва бошқалар)

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Қурилишда иш тажрибаси (йил) | Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | Рахимов Виталий Салимович | Урта | 2 йил | Зам. директора | 2 мес |
| 1 | Рахимов Эдуард Салимович | Олий | 7 йил | Прораб | 2 Л |

**Доимий ишчи ходимлар (ишчилар)**

| Т/р | Мутахассисликлар номи | Жами сони, шу жумладан мутахассисликлар ва разрядлар бўйича | Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи хужжати борлар | Улардан (4-устундан) курилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Жами | 12 | 12 | 12 |
| | Шу жумладан: | | | |
| | Сантехниклар _______ разрядли | 3 | 3 | 3 |
| | Биноларни мукаммал таъмирлаш буйича буйича мутахассислар | 2 | 2 | 2 |
| | Сварщик | 2 | 2 | 2 |
| | Шартнома асосида | 4 | 4 | 4 |
| | ва бошқалар | 1 | 1 | 1 |

Кадрлар бўлими бошлиғи: /имзо ва мухр/

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “12” август 2022 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI * EDUARD RAKHIMOV GROUP

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
«EDUARD RAKHIMOV GROUP»
MA`SUKIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«EDUARD RAKHIMOV GROUP»

г. Ташкент, Мирзо – Улугбекский район, улица Шуртепа, Дом – 188а,, МФО: 01056, ИНН: 308 377 846,
р/с 2020 8000 4053 7523 4001, в «Инфин Банк» АТБ Ташкентской обл. ф-ли, ОКОНХ: 46900.

**№ 54 «17» август 2022 г.**

**Танлов утказиш комиссиясига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Мазкур хат билан шуни тасдиклаймизки, корхонамиз **«EDUARD RAKHIMOV GROUP» МЧЖ –** кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жароенида турмайди, бюртмачи ва бошка корхоналар билан суд ёки хакамлик мухокомасида эмас, илгари тузилган шартномалар буйича тегишли равишда бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд эмас.

Директор Рахимов С. Р.

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**«EDUARD RAKHIMOV GROUP»**
**MA`SUKIYATI CHEKLANGAN**
**JAMIYATI**

**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН**
**ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ**
**ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ**
**«EDUARD RAKHIMOV GROUP»**

г. Ташкент, Мирзо – Улугбекский район, улица Шуртепа, Дом – 188а,, МФО: 01056, ИНН: 308 377 846,
р/с 2020 8000 4053 7523 4001, в «Инфин Банк» АТБ Ташкентской обл. ф-ли, ОКОНХ: 46900.

**№ 55 «17» августа 2022 г.**

**Танлов утказиш комиссиясига**

**Маълумотнома**

Корхонамиз **«EDUARD RAKHIMOV GROUP» МЧЖ** инсофсиз ижрожиларнинг ягона реестрида турмаслиги маълум килади.

Директор Рахимов С. Р.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
«EDUARD RAKHIMOV GROUP»
MA`SUKIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«EDUARD RAKHIMOV GROUP»

г. Ташкент, Мирзо – Улугбекский район, улица Шуртепа, Дом – 188а,, МФО: 01056, ИНН: 308 377 846,
р/с 2020 8000 4053 7523 4001, в «Инфин Банк» АТБ Ташкентской обл. ф-ли, ОКОНХ: 46900.

**№ 84 «29» август 2022 г.**

**Танлов утказиш комиссиясига**

## ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА
## ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

**МЧЖ «EDUARD RAKHIMOV GROUP»**
*(танлов иштирокчисининг номи)*

| Т/р | Объект номи, пудрат шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси | Буюртмачи номи | Бажарилган ишлар суммаси | Шундан йиллар бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. |
| 1 | *Капитальный ремонт в 13 ед. многоэтажных жилых домах на сумму 1 042 719 908,00 сум 2021 – 2022 г. г.* | ООО "Мирзо Улугбек Коммунал Курилиш Таъмирлаш" | 1 042 719 908 | | 2021 | 2022 |
| 2 | *Капитальной ремонт систем отопления в 4 ед. многоэтажных жилых домах на сумму 427 878 619,00 сум, 2021 г.* | ТЧСЖ "MOHINABONU SERVIS " | 427 878 619 | | 2021 | |
| 3 | *Капитальный ремонт систем отопления в 2 ед. многоэтажных жилых домах на сумму 154 076 016,00 сум, 2021 г.* | ТЧСЖ "GUNCHA SERVIS KOMMUNAL" | 154 076 016 | | 2021 | |
| 4 | *Гостничная комплекс установка котельного и сантехнического изделия на сумму 190 000 000 сум , 2021 год* | *ООО «NEW YORK CENTR»* | *190 000 000* | | *2021* | |
| 5 | *Капитальный ремонт систем отопления - Академический лицей при Институте Текстильной Промышленности на сумму 196 866 012,00 сум 2021 год* | *Академический лицей при Институте Текстильной Промышленности г. Ташкент* | *196 866 012* | | *2021* | |
| 6 | *Капитальный ремонт систем отопления в школе № 9 г. Нурафшана Ташкентской области, на сумму 306 573 201,00 с. 2021 год* | *Гор ОНО г. Нурафшана Ташкентской области.* | *306 573 201* | | *2021* | |
| 7 | *Капитальный ремонт систем отопления- Школа – интернат № 105 г. Ташкента на сумму 250 028 596,97 сум, 2021 год* | *Школа – интернат № 105 г. Ташкента* | *250 028 596* | | *2021* | |
| 8 | *Капиталный ремонт систем отопления в школе № 172 г. Ташкента на сумму 250 000 000,35 сум, 2021 год* | *Гор ОНО г. Ташкента* | *250 000 000* | | *2021* | |
| 9 | По промывке и опрессовке систем отопления в 16 ед. общеобразовательных школах г. Алмалык Ташкентской области на сумму 19 200 000,00 *сум, 2022 г.* | *ХТБ г.* Алмалык Ташкентской области. | *19 200 000* | | | 2022 |
| 10 | По промывке и опрессовке систем отопления в 18 ед. дошкольных учреждениях г. Алмалык Ташкентской области на сумму 18 000 000,00 *сум, 2022 г.* | *МТБ г.* Алмалык Ташкентской области. | *18 000 000* | | | 2022 |
| 10 | По промывке и опрессовке систем отопления 6 ед. мед. учреждениях г. Алмалык Ташкентской области на сумму 7 200 000,00 *сум, 2022 г.* | *Мед. Учреждений* г. Алмалык Ташкентской области. | *7 200 000,00* | | | 2022 |
| | Жами: | | ***2 862 542 353*** | | | |

Директор Рахимов С. Р.

TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI EDUARD RAKHIMOV GROUP

| O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «EDUARD RAKHIMOV GROUP» MA`SUKIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI | РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ «EDUARD RAKHIMOV GROUP» |
|---|---|

г. Ташкент, Мирзо – Улугбекский район, улица Шуртепа, Дом – 188а,, МФО: 01056, ИНН: 308 377 846,
р/с 2020 8000 4053 7523 4001, в «Инфин Банк» АТБ Ташкентской обл. ф-ли, ОКОНХ: 46900.

**№ 87 «29» август 2022 г.**

**Танлов утказиш комиссиясига**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ «EDUARD RAKHIMOV GROUP» МЧЖ

*(танлов иштирокчисининг номи)*

| АКТИВЛАР | 2020 й | 2021 й | 2022 й | ПАССИВЛАР | 2020 й | 2021 й | 2022 й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Узок муддатли активлар | | | | Ўз маблағлари манбаи | | | |
| Асосий воситалар | | - | - | Уставфонди | | 10 000 000,00 | 10 000 000,00 |
| Шундан Ишлаб чиқариш фондлари | | - | - | Тақсимлан маган фойда | | 3434,05 | 6 686 ,85 |
| Қолдиқ қиймат | | - | - | Мажбуриятлар | | | |
| Капитал қуйилмалар | | - | - | Займлар | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш | | - | - | Кредитор карздорлик | | 743 141,5 | 1 025 186,4 |
| Жорий активлар | | | | Шундан муддати ўтган карздорлик | | - | - |
| Айланма маблағлар | | 427 138,75 | 1 031 426,35 | Шундан бюджетдан карздорлик | | 17 032,4 | 191 |
| Улардан ишлаб чиқариш захиралари | | | - | Шундан иш ҳақидан карздорлик | | 10 472 | 11 951 ,4 |
| Дебитор карздорлик | | 221 124,8 | 5 000 | | | | |
| Шундан муддати ўтган карздорлик | | | 0 | | | | |
| Жами баланс активи бўйича | | 751 575,55 | 1 036 873,25 | Жами баланс пассиви бўйича | | 751 575,55 | 1 036 873,25 |

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

| Номи | 2020 й | 2021 й | 2022 й | Номи | 2020 й | 2021 й | 2022 й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Реализациядан олинган тушум | | | | 8. Соф фойда | | 3 434,05 | 3 252,8 |
| 2. Реализациядан олинган соф тушум | | 390 111,55 | 34 209,1 | Шундан асосий фаолият бўйича | | | |
| 3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи | | 352 000 | 18 000 | Умумхўжалик фаолият бўйича | | | |
| 4. Маъмурий харажатлар | | 13 328 | 10 300 | 9. Асосий фаолиятдан олинган фойда | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 5. Бошқа харажатлар | | 5 745 | 1 288 | 10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 6. Даромад солиғи тўловигача фойда | | 19 038,55 | 4 621,1 | 11. Зарар | | | |
| | | | | шундан асосий фаолиятдан | | | |
| 7. Даромад солиғи | | | | умумхўжалик фаолиятдан | | | |

Баланс фойдаси______________________________________________________________

**Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида**
**маълумот**

| СТИР | Қурилиш ташкилоти тоифаси | Ташкилот томонидан ўтган йил (2021 йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Асосий воситалар қолдиқ (баланс) қиймати Ф-1, 012-сатри | Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (1,25) =9/ (10-11) | бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиқ коэффициенти (020) =(13+14+15-16) /17 | бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | | |
| | | | | 390-сатр | 770-сатр | 490-сатр | | 480-сатр | 570-сатр | 580-сатр | 130-сатр | 390-сатр |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 308 377 846 | | - | | 1036873,25 | 1025186,4 | - | | 11686,85 | - | - | - | 1036873,25 |

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Кпл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{\text{А2}}{\text{П2 - ДО}}$$, бунда:

**А2** - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

**П2** - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

**ДО** - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\textbf{Кос} = \frac{(\text{П1} + \text{Дзк2}) - \text{А1}}{\text{А2}}$$, бунда:

**А1** - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

**П1** - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

**Дзк 2** - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Директор Рахимов С. Р.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI * EDUARD RAKHIMOV GROUP

Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан
Государственное налоговое управление город Ташкент
Государственная налоговая инспекция Мирзо Улугбекский район

---

**№-505916**

**С П Р А В К А**

Юридическое лицо **"EDUARD RAKHIMOV GROUP" MCHJ** с присвоенным ему ИНН - 308 377 846 и зарегистрированным в государственной налоговой инспекции Мирзо Улугбекский район, не имеет налоговых задолженностей перед бюджетом и внебюджетными фондами в по состоянию на **13.09.2022** года.

Данная справка сформирована и распечатана через официальный сайт Государственного налогового комитета

ВНИМАНИЕ!

Проверить достоверность справки можно на веб системе ГНК «repository.soliq.uz»

*Данная справка не удостоверяет, что предприятие выполнило все налоговые обязательства, указанные в статье 34 Налогового кодекса Республики Узбекистан.*

**495882**

**13.09.2022**

Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
CHET EL KAPITALI
ISHTIROKIDAGI AKSIYADORLIK
TIJORAT BANKI
InfinBANK
TOSHKENT VILOYATI FILIALI
2022 16 08
№ 1-9/1999
TOSHKENT VILOYATI,
QIBRAY SHAHARCHASI,
ZEBUNISO KO'CH., 7-A UY
Tel: 150-66-98

ISO 9001:2015

**МЧЖ "EDUARD RAKHIMOV GROUP"**
**рахбари С.Р.Рахимовга**

Сизнинг 16.08.2022 йилдаги №51-сонли хатингизга жавобан АТБ «InFinBANK» Тошкент вилояти филиали шуни маълум қиладики,

Бизнинг банкимизда асосий хисоб рақам очилган сана 08 июль 2022 йил.

- **МЧЖ "EDUARD RAKHIMOV GROUP"**нинг хисоб рақами
- **№ 20208000405375234001**
- **СТИР 308377846**
- МЧЖ **"EDUARD RAKHIMOV GROUP"**нинг 16.08.2022 йил холатига 2- сонли Картотекада карздорлик мавжуд эмас.

**Маълумот сўралган жойга тақдим этилади.**

**АТБ « InFinBank»**
**Тошкент вилояти филиали**
**бошкарувчиси** **Р.Б.Янгибоев**

**Бош бухгалтер в.б.** **Х.Э.Халилов**

Бажарувчи : Мирахмедова Ф.
Тел:78 150-66-94,78 150-66-97